

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сиёсат амалга оширилмоқда.

Хусусан, қисқа муддатда қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш, умумий қуввати йилига миллион тоннадан ортиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларини ташкил этиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилади. Қўрилган чора-тадбирлар аҳолининг санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан қамраб олиш қўламлининг ўн баравардан зиёд ортишига имкон берилади.

Шу билан бирга, экологик хавфсизлигини таъминлашга қўлай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини лозим даражада шакллантиришга айрим тизимли муаммолар тўққинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, тегишли инфратузилмани қонқарсиз ҳолатга ва аҳоли пунктлари хизматлари билан тўлиқ қамраб олинишининг таъминланмаслигига олиб келувчи маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат-хусусий шериклик етарли даражада жорий этилмаган;

иккинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслиққа олиб келадиган иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланиш ҳолати, шунингдек, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш тизими замонавий талабларга жавоб бермайдиган;

учинчидан, аҳоли яшаш пунктларининг инфосланганига сабаб бўладиган полимер плёнкали материаллардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилган ва улар тарқалган, шунингдек, муқобил биологик чирийдиган материаллардан фойдаланиш тизими мавжуд эмас;

тўртинчидан, содир этиладиган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар, жумладан, атроф-муҳитни инфосланганлик учун жавобгарликка тортилмаслик ҳиссининг пайдо бўлишига олиб келадиган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга чора кўриш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш тизими самарасиз;

бешинчидан, соҳада мамлакатнинг ҳақиқий санитария-экологик ҳолатини баҳолаш имконини берувчи замонавий инновация ва ахборот-коммуникация технологиялари мавжуд эмас.

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг сифатли санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан таъминланганлиги даражасини ошириш, шунингдек, экологик муаммоларни ҳал этишдаги мавжуд имкониятларни ишга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига (кейинги ўринларда Давлат экология қўмитаси деб юритилади) тадбиркорлик субъектларининг чиқиндиларини йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта

ишлаш, қўмиш ва реализация қилиш жараёнида иштирокини янада кенгайтиришни назарда тутиш вазифаси юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат экология қўмитасининг мазкур соҳага инвестиция киритиш учун қўлай шарт-шароит яратиш орқали маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш фаолиятига тадбиркорлик субъектларини давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгиланган қўйилсинки, 2018 йил 1 августдан:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун туман ва шаҳар ҳудудлари (кейинги ўринларда - ҳудудлар) тадбиркорлик субъектларига давлат-хусусий шериклик асосида чиқинди тўплаш шохобчаларида лозим даражадаги тозаланиш таъминлаш, шунингдек, маиший чиқиндиларни мустақил равишда саралаш шарти билан бириктириб берилди;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига давлат-хусусий шериклик асосида бириктириб бериш фақат танлов асосида, ноль ставкадан бошланувчи электрон аукцион йўли билан "E-IJO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилади;

жисмоний шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари оммавий шартномалар асосида кўрсатилади. Белгилансинки:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириб бериш бўйича танлов ўтказилмаган деб топилган ҳолларда, тегишли ҳудудлар "Тоza ҳудуд" ДУК ёки "Махсустранс" ДУКга танлов ўтказилмаган ҳолда бириктириб берилди;

Давлат экология қўмитаси маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасига инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириди.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Давлат экология қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириб бериш материалларини йиғиш ва ваколатли органлар билан келишиш тартиб-таомилларини амалга ошириш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимининг ишлаб чиқиши ва жорий этилишини, шунингдек, унинг "E-IJO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасига интеграция қилинишини; маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни электрон аукцион ўтказиш йўли билан тадбиркорлик субъектларига бириктиришнинг "E-IJO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали ташкиллаштирилишини таъминласин.

Давоми 2-бетда ➡

Нурафшон шахрининг "Обод" маҳалласида ҳар бири 7 қаватли, 42 хонадондан иборат 10 та замонавий уй қад кўтармоқда.

Президентимизнинг "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, республика-мизнинг барча шаҳарларида кўп квартиралар уйлар қурилмоқда.

НУРАФШОННИНГ НУРЛИ ИСТИҚБОЛИ

бу ерда олиб борилаётган қўламли бунёдкорлик
ишлари мисолида яққол намоён бўлмоқда



2017 йилда тураржойга муҳтож оилалардан 8 мингга яқини арзон ва шинам уй билан таъминланди. Жорий йилда 377 та 15 минг 639 хонадонли арзон уй-жойлар қурилиб, аҳолига имтиёзли равишда берилиши давом этади.

Хусусан, Нурафшон шаҳридаги кўп қаватли уйлар ҳам "O'zshahar qurilish invest" инжиниринг компанияси буюртмаси асосида бир неча қурилиш фирмалари томонидан бунёд этилаёпти.

– Бизга жами олтига уйни қуриш топширилган, – дейди "Akobir avtotrans"

масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шухратжон Саидов. – Ниятимиз – барча ишларни сифатли бажариб, объектни белгиланган вақтда топшириш. Қурилиш материаллари пешма-пеш етказилаётди, иш жараёнида эса замонавий техникалардан фойдаланаямиз.

Ҳозирда ушбу жамоада 300 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Улар маҳсулус иш қийимлари ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган.

– Барча қўлайликларга эга шундай мўъжаз уйларни бунёд этишга ўз ҳисса-

мизни қўшаётганимиздан хурсандмиз, – дейди уста Рустамбек Абдуқодиров. – Қурувчилар учун барча шароитлар яратилган.

Қурилиш ишлари шу йилнинг февраль ойида бошланган. Бугунги кунда барча иморатларнинг дастлабки қаватлари битказилди. Мақсад – ушбу кўп қаватли биноларни мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширишдир.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги учун малакали кадрлар етказиб беришда Тошкент давлат аграр университети хорижий мамлакатлар олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлики кенгайтириб бормоқда.

Ҳамкорлик



Шу кунларда Тошкент давлат аграр университетида АҚШнинг Мичиган штати университети вице-президенти Стивен Хенсон бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

С. Хенсонга ҳамкорлик қилаётган Мичиган университети қошидаги Марказий Осиё мамлакатлари билан

ҳамкорлик институти директори Норман Грэхэм, Глобал коммуникациялар институти директори ўринбосари Шон Лаури юртимизнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги етакчи олийгоҳи фаолияти, хусусан, бу ердаги Ўсимликларни биологик химоя қилиш илмий-тадқиқот маркази, Инновацион ишланмалар ва маслаҳатлар маркази иши билан танишди.

Шунингдек, америкаликлар делегацияси АҚШнинг "USAID" халқаро тараққиёт агентлиги гранти асосида

барпо этилган 25 тонналик ҳажмдаги мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган музлаткич омбори ҳамда университетдаги конференция залининг очилиш маросимида иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент давлат аграр университетининг еттига факультетида олти минг нафардан зиёд талабалар таҳсил олади. Улар олий таълим муассасаси ўқув ҳўжалигидаги ер майдони ва иссиқхоналарда ўз маҳсулотларини етиштириш имконига эга. Университет етук кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, ходимларнинг тажриба алмашишини таъминлаш мақсадида қатор хорижий олийгоҳлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Ўз муҳбиримиз

Хирмонга баракат!



ПИЛЛАЧИЛАРИМИЗ ШИЖОАТИ

Вилоятимиз пиллакорлари орасида пешқадамликни қўлга киритиб келадиган бўкаликлар бу борада ғайрат-шижотни бир дақиқа ҳам бўшаштиришмаяпти. Кунига давлат хирмонида 6-7 тонна атрофида пилла топшираётган бўкаликлар кўзлаган мақсадимиз юксак, дейишмоқда.

Бунини уларнинг шижоатли меҳнатидан, кўзларида чакнаган оловдан яққол хис этиш мумкин. Аслида бундай ҳатти-ҳаракатлар эрта баҳордан бошланган эди. Фермер ҳўжалиги ва мавжуд хонадон эгаларига 105 минг донга тўт қўчатлари тарқатиб, яхшигина тутзорлар барпо этилди. 1 минг 300 та хонадонга жами 2 минг 385 қўти ипак қўрти тарқатилди. Қилинган меҳнат, ипак қўртини парваришлашга бўлган меҳр ўз самарасини кўрсатмоқда.

Давоми 3-бетда ➡

МЕҲР БУЛОҒИДАН СУВ ИЧГАН ЎҒЛОНЛАР

Бўқа сўзининг тарихи, этимологияси ҳақида кўп мулоҳазалар айтилган. Хусусан, машҳур "Бобурнома"да ёзилишича, бақувват, курашга ташна, енгилмас баҳодирлар "бўқа", "бўқалик", деб аталган. Яна бир ривоятга кўра, "Бўқа", яъни, табаррук зиёратгоҳлар макони дейиша-

Фахр

шув бўлди. Ижтимоий тармоқлар, интернет сайтлари бу ҳақда тинмай ёзди. Ватан байроғини ўпиб, қувончдан

йиғлаётган ўсмир болакайлари-нинг видеоси қалбларни жунбишга келтирди...

Таъкидлаш жоизки, мазкур мусобақада вакилларимиз чемпионлик йўлида Россия, Непаль, Бурунди, Покистон

каби мамлакатларнинг маҳоратли жамоаларини ортда қолдиришди.

Бўқа туманидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказида ана ўша қаҳрамонлардан уч нафарини шарафлашга бағишланган тантанали маросим ўтказилди. 15-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари – Тоир Эргашбоев, Руслан Котов, Салим Сон йиғилган-

лар даврасида яна бир марта чемпионат шуқуҳини ёдга олдирди.

Маросимда чемпион йигитлар вилоят ҳокимлиги ва ҳокимларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Х. Тошпўлатов вилоят, республика жамоатчилиги номидан йигитларга дил сўзларини ай-

тиб, улкан галаба билан табриклади.

Йигитлар хурсанд эди. Айниқса, чемпионатнинг энг яхши ўйинчиси, деб топилган Русланнинг кайфияти бошқача. Секунд унга гапга соламан. Эндигина 17 ёшли қарши олган бу йигитнинг мақсадлари улкан. Келажакда етук спортчи бўлиб, Ўзбекистон терма жамоасини жаҳон чемпионатига олиб чиқмоқчи. Унинг кўзларида ёлгон йўқ. Ёшлиқ сурури ва ғайрати билан айтилаётган бу гаплардан ҳам фақат Ватан меҳрини ўқасиз, унга ҳавас қиласиз...

Бехзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Нозимжон ИСМОИЛОВ олган сурат



Шундай қилиб, гапнинг да-ромади бугун Бўқада яшаб, спорт билан шуғулланиб, Ватанимиз довруғини оламга ёйатган уч азамат ҳақида...

Россия Федерациясида бўлиб ўтган Меҳрибонлик уй-

лари тарбияланувчилари ўртасидаги футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси пенальтилар сериясида Покистон устидан галаба қозониб, жаҳон чемпионига айлангани катта шов-

Мансур ХИММАТОВ олган сурат

Айтиш лозимки, бугун пойтахт вилояти улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик майдонида айланган. Айниқса, фермер ва деҳқон ҳўжалиқларининг, ҳақиқий ер эгаларининг қувончи чексиз.

Дарҳақиқат, ер билан "мулоқот қилган" деҳқоннинг, миришқор борбоннинг азалий орзуи ушалмоқда. Ерга эгалик ҳуқуқини ҳис этиб, унинг ҳар қаричидан унумли ва самарали фойдаланиш эвазига деҳқону фермерларимизнинг, томорқа ер эгаларининг қосаи оқраётгани бугун бор гап. Бу борада Президентимизнинг шу йил 26 апрелда қабул қилинган "Фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қамқолаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори аини муддао бўлди.

Вилоятимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Бўка туманида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилаётган. Фермер ва деҳқонлар, томорқа ер эгалари билан мулоқот чоғида одамларнинг кайфиятини, ерга меҳри ортиб бораётганини илғаб олиш қийин эмас.

Президентимизнинг мазкур қарори барчамизни янада масъулият билан ишлашга, куч ва гайратимизни оширишга даъват этмоқда, – дейди туман фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Комилжон Бойқўзиев. – Ҳозирда маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларга ҳар қарич бўш ётган ердан унумли фойдаланиш зарурлигини тушунтиришга ҳаракат қилаёмиз. Албатта, бу ўзининг самарасини бермоқда.

Бўка туманидаги "Шерали Дийёр Файз" фермер ҳўжалиғи раҳбари Эркин Бўронов ишнинг қўзини биладиган, етти ўлчаб бир кесадиғанлардан. 2007 йилдан буён самарали

меҳнат қилиб келаётган ҳўжалик аъзолари йилдан-йилга пахта ва галла ҳосилини ошириб боришаяпти. 64,6 гектар майдонга эга бўлган уста деҳқонлар 29 гектар ерда галла, 35,6 гектар майдонда пахта етиштиришмоқда. Бугдойзорлар

ни 35 центнерга етказишни ният қилишган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Эркин Бўронов раҳбарлигидаги фермер ҳўжалиғи аъзолари бир-бирларига бегона эмас. Тўққиз нафар ака-ука Бўроновлар фарзандлари билан бирга,

ишга қўл урди.

– Ўн икки сотих ерга ловия экиб, парвариш қилаёпман, – дейди Жўра Хусанов. – Фермердан жуда миннатдорман. Томорқаданги экиннинг гуркираб ривожланаётганлиғи унинг ёрдами туғайлидир. Қолавер-

улар аллақачон тушуниб етган.

Айниқса, фермер ҳўжалиғида томорқадан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган.

– Томорқа хизматиға эътибор кучайди, – дейди фермер Олимжон Раҳмонов. – "Томорқа хиз-

мат" масъулияти чекланган жамиятлари ёки фермер ҳўжалиқлари билан шартнома асосида фаолият юритадиган томорқа ер эгалари даромад солиғи тўлашдан озод қилинади. Қолаверса, томорқа ер эгаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилгига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорда сўғурта бадали тўлаб бора-

са, сўғурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилар экан. Қандай яхши имконият...

Демакки, Президентимизнинг юқорида тилга олинган қарори қўпчилиқнинг кўнглидаги иш бўлди. Айниқса, фермер ҳўжалиқларининг диққат-эътибори, масъулияти янада ортадиган бўлди. Олимжон Раҳмонов мен катта фермерман, дея

Ашурали БОЙМУРОД

Бўкалик фермерлар:

ЕРИМИЗНИНГ ҲАР ҚАРИЧИ ОЛТИНГА ТЕНГ

Бир вақтнинг ўзида тўрт фаслнинг жамолини мужассам эта оладиган вилоятимизнинг гўзал табиати кимларни ўзига мафтун этмаган, дейсиз. Бунинг учун сиз, энг аввало, Бўстонлиқнинг пурвигор тоғларидан туриб, Бекободнинг шовуллаган Сиригача, Паркентнинг бепоён узумзорларидан, Чинознинг қувноқ "Яллама"сигача бўлган катта бир ҳудудга нигоҳ ташласангиз, унинг турфа оҳанглирига қулоқ тутсангиз, кифоя.



бўлиқ бошоқлаб, бу йил галламиз мўл бўлишидан дарак бериб турибди.

Албатта, бу борада ишга масъулият билан ёндашилганлиғи ўз сўзини айтмоқда. Галлазорлар минерал ўғитлар билан уч маротаба озиклантирилди, қондириб сугорилди, суспензияланди. Бегона ўтларга, зарарли хашаротларга ҳамда занг касаллиғига қарши зарур ишловлар берилди. Эркин фермернинг шашти баланд: галладан олинадиган ҳосилдорлиғи 60 центнердан оширмоқчи.

Ўз навбатида, фермер ҳўжалиғи далаларида гўза қатор ораларида ишлов бериш аллақачон бошлаб юборилган. "Султон" навли чигит энг мақбул паллаларда ерга қадалгани учун ҳозир бир текис униб чиққан. Гўзаларни яғналаш, чопикдан чиқариш, култивациялаш маъромиди ўтказилди. Зарҳунослар пахтадан олинадиган ҳосил-

аҳил ва иноқликда меҳнат қилишаяпти. Аҳиллик бор жойда эса ҳамisha барака бўлади. Ризқу насибасини, оиласининг даромадини меҳнатдан топаётган бундай жамоага қўпчилик ҳавас билан қарайди.

– Бунақаси ҳали бўлмаган, – дейди Эркин ака ҳаяжонини яшира олмай. – Президентимизнинг мазкур қарори билан "Томорқа хизмати"нинг ташкил этилиши, томорқа ер эгалари ҳўжалиғи аъзоларининг етказиб берилаётганлиғи, ҳатто маҳсулотларининг сотилишига ҳам амалий ёрдам кўрсатилганлиғи, бунақа ишлар, ўзининг айтиш, қачон бўлган, ахир?

Дарвоқе, Эркин ака меҳрмуруватли инсон. Фермер ҳўжалиғи аъзоларининг, ҳатто кўни-қўшилларининг томорқа ерларини тракторлари ёрдамида қайта бериб, зарур хонадонларни дароҳт ва гул қўчатлари билан таъминлаб, хайрли

ПИЛЛАЧИЛАРИМИЗ ШИЖОАТИ

Фермер ва касаначилар, ипак курти парваришлашга киришган пиллакорлар туман ҳокимлиғи томонидан муносиб рағбатлантириб борилаёпти. Пиллакорларнинг ҳар бирига 200 минг сўмдан бўнақ сифатида берилди. Пилланинг ҳар килосига 15 минг сўмдан, режадан ортиқ топширилаётган ҳар килограмм учун эса 20 минг сўмдан пул тўланмоқда.

Бўкалик пиллакорларнинг бугунги кунгача топширган ҳосили 40

← Бошланғич 1-бетда

тоннадан ошиб кетди. Бу вилоятимиздаги энг юқори кўрсаткичдир.

Марғуба Ҳайдарова, Рўзбой Ғафуров, Шукрулло Юнусов, Зиёда Бозорова сингари илғор қурт-боқарлар биринчилардан бўлиб ҳосилини йиғиштириб олишга ва режани ортиғи билан адо этишга муваффақ бўлишди.

– Пилла ҳосилини йиғиштириб олиш қизгин паллага кирди, – дейди биз билан суҳбатда "Бўка агропилла" МЧЖ раҳбари Ҳасима Розикова. – Йиғиштирилган ҳо-

силни пешма-пеш Бекободдаги пиллачилик фабрикасига жўнатаёмиз. Пилламизнинг сифати жуда яхши. Фабрикадаги дастлабки ипакни қайта ишлаш жараёни муваффақиятли амалга оширилди. Демакки, маҳсулотимизнинг сифати ҳам юқори даражада, биз бундан мамнунмиз.

Дарҳақиқат, пилламиз – тилла-миз эканлиғи барчага бирдек бўлмоқда. Зотан, сифатли ва тоза пилла маҳсулотига бўлган талаб доимо юқори бўлиб бораверади. **Марҳаббо МАДАМИНОВА**

МАҲАЛЛАНING КўМАГИ – БЕМИННАТ

Маҳалла тарихига назар солсак, у жамият ҳаётида энг таъсирчан маскан экани кўзга яққол ташланади. Ижтимоий бошқарув идораси ҳисобланган маҳалланинг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли ҳам тобора ортиб бормоқда. Илгари маҳаллий ҳокимият органларига тааллуқли бўлган кўплаб вазифалар бугун фуқаролар йиғинлари томонидан муваффақиятли бажариб келинаётганлиғи бунга мисол бўла олади.

Кучли фуқаролик жамияти сари

Буни Ўрта Чирчиқ туманидаги "Бойовул" маҳалла фуқаролар йиғини мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Маҳалламиз ҳудудида 3 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирги пайтда фаолларимиз томонидан турли йўналишда жамоатчилик назорати тадбирлари самарали олиб борилаёпти, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ёдгор Саитбоев. – Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тузилган комиссиялар фаол ишлаётти. Бундан ташқари, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари

билан ҳамкорликда ҳудудимизни ривожлантириш, тўй-хашам ва бошқа маросимларни ихчам ўтказиш бўйича тегишли тавсиялар бериш йўлга қўйилган.

Айниқса, маҳаллада жамоатчилик асосида фаолият юритаётган ижтимоий кўплаб-қувватлаш бўйича комиссиянинг ҳудуддаги ҳар бир оиланинг яшаш тарзи, кундалик машғулотлари, мавжуд муаммоларини ўрганиш, кам таъминланган оилаларни кўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этиш, аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланишнинг ташкил этиш борасида олиб бораётган тарғибот-тушунтириш ишлари ва амалий ҳара-

катлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Шу ўринда, ушбу комиссияларга катта ҳаётий тажриба ва обрў-эътиборга эга фуқароларнинг жалб этилганлиғи ўзининг яхши самараларини бераётганлигини айтиб ўтиш керак. Олиб бориладиган ишлар натижасида жорий йилда ҳудуддаги мева-ларни қайта ишлаш ва боғдорчиликка ихтисослашган масъулияти чекланган жамиятларда эҳтиёжманд ва ишсиз оила фарзандларидан 50 нафари доимий, 100 нафардан ортиқ фуқаро эса, мавсумий иш билан таъминланди.

Маҳаллаларда жамоатчилик асосида олиб борилаётган бу каби хайрли ишлар ҳалқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсишига, пировардида, жамиятимизда барқарорлик, кишилар ўртасида аҳиллик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Қарор ва ижро

Кўйи Чирчиқ туманидаги "Baliqchi" акциядорлик жамиятининг донғи мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларига кенг тарқалган. Мазкур ташкилот Кўрғонча қишлоғида жойлашган бўлиб, ўз фаолиятини 1961 йилда бошлаган. Ер майдони 2 минг 992 гектарга тенг ҳудудда 400 га яқин ҳовуз бор. Бу ерда товар (2-3 йиллик), чавоқ (1-2 йиллик) кўринишдаги балиқлар мамлакатнинг бошқа ҳудудларига жўнатилади. Жиззах, Сирдарё каби вилоятлар доимий мижоз ҳисобланади.

КўЙИ ЧИРЧИҚ БАЛИҒИНИНГ ДОВРУҒИ

қайта тикланадими?

Жамиятда 2017 йилда

2 минг 338 тонна балиқ, 4,3 млн. дона чавоқ етиштирилган. Она балиқлардан уруғ олиб, балиқ личинкалари ишлаб чиқариш цехида эса 112,1 млн. дона личинка чиқарилган. Айни пайтда, жамиятда 440 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Улар учун қулай шaroитлар яратилган.

– Балиқчилик қишлоқ ҳўжалиғининг муҳим тармоғи, – дейди жамият раҳбари Абдурахим Пирвалиев. – Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Хабарингиз бўлса керак, Президентимизнинг "Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига би-



ноан жамият ўрнида "Балиқ ишлаб чиқарувчи" эркин иқтисодий зонаси ташкил қилинаёпти. Бу фаолиятимизни янада кенгайтиришга имкон яратди, албатта. Қарорда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ишни дастлаб, балиқ ҳовузлирини модернизация қилишдан бошладик. Ҳусусан, 45-50 йил олдин барпо этилган сув ҳавзалари шу муддат ичида бирон марта жиддий тозаланмаган эди. Бугунги кунда ҳовузлар-

нинг аксарияти 1-1,5 метр қалинликда ил билан қопланган. Балиқ боқишни узлуксиз давом эттириб, вегетацияга ҳалал бермайдиган ҳовуз тўбларини тозалаш, кичик ҳажмдаги земснарядлардан фойдаланиш борасида иш олиб борилмоқда. Агар бир метр қалинликдаги ил олиб ташланса, балиқ боқиш ҳажмини анча ошириш мумкин. Уларнинг генетикасини яхшилаш юзасидан чет мамлакатлардан сазан, амур ва оқ дўнгпешоналарнинг уруғларини олиб келиб, сермасул балиқ турлари яратилади.

Олдимизда турган вазифалар ижросини тўлиқ бажариб, маҳсулот ҳажмини кўпайтиришни ният қилганмиз. Жумладан, маҳсулот етишти-

балиқни тозалаб, музлатилган ҳолда сотувга чиқариш имкони бор. Ушбу цехда бир ойда 150-200 тонна балиқни қайта ишлаш мумкин. Музлатиш камарларида эса 200 тоннага яқин тайёр маҳсулот сақланади. Етиштирилаётган балиқлар ўсишини назорат қилиш, касалликларга чалинишининг олдини олиш мақсадида лаборатория ташкил қилинган.

Корхона мутасаддиларининг айтишича, давлат раҳбари қароридан келиб чиқиб, айни кунларда бу ерда бир неча янги, инновацион лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Балиқ танналарини арзонлаштириш, озуқа базасини яратиш мақсадида, ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда ва ён-атрофда жойлашган пахтага яроқсиз экан майдонларидан балиқчилик ҳўжалиқларига юқори оқсигили озуқаларни тайёрлаш учун доғли (арпа, бугдой, маккажўхори) экинлар экилади. Маҳсулотни қайта ишловчи, омухта ем ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технология жорий қилинади. Ички ва ташқи туризмни ривожлантириш мақсадида маданий ва соғломлаштириш масканлари барпо этилади. Яқин келажақда туристлар учун меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, ҳаваскор ва ишқибозлар учун балиқ овлаш жойлари ва спорт майдончалари қурилади. Аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, профилактика қилиш мақсадида ҳўжалик ҳудудида соғломлаштириш-диагностика маркази фаолияти ҳам ташкил этилади.

Зўҳрияддин ҚАМБАРОВ
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат

САРФИ КАМ, САМАРАСИ МўЛ

Бўстонлиқ туманидаги "Green Organics" агрофирмаси фаолияти йилдан-йилга тақомиллашиб бормоқда.

Боғдорчилик

АҚШнинг "MB Group Holding LLC" компанияси ва тумандаги "Irkin Bijlapanov" фермер ҳўжалиғи ҳамкорлиғида ташкил этилган ушбу агрофирманинг 44 гектар интенсив боғи бор. Адирда ташкил қилинган боғдаги бодом, олма, олхўри, узум ва нок каби мева-ли дароҳт қўчатларига томчилатиб сўғориш технологияси ёрдамида сув берилади. Бу эса сувнинг бирдек тақсимланиши ҳисобида дала бўйлаб намлик бир меъёрга тарқалишини таъминлайди.

– Қўчатлар махсус минерал ўғитлар билан аралаштирилган сув орқали озиклантирилгани боис



улар яхши ривожланиб, туманимиз иқлимига тез мослашди, – дейди "Green Organics" агрофирмаси раҳбари Жамшид Розиков. – Бундай боғлар афзаллиғи нисбатан кичик майдондан, кам сув сарфлаб, мўл ҳосил олиш имкониятининг катталиғидир. Бу йил бир гектар майдонга экилган 15-18 минг туп мева-ли дароҳдан 400-500 центнердан ҳосил олишни режалаштирдик.

Қўчатларни парвариш-лашда хорихлик мутахассислар билан ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Агрофирмада 10 нафар аҳоли доимий иш билан таъминланган. Шунингдек, мавсумда ишнинг салмоғига қараб, яна қўшимча мавсумий ишчилар жалб этилади. Айни пайтда ҳўжалик мутасаддилари томонидан етиштирилаётган маҳсулотларни сақлаш учун 2 минг 500 тонна ҳажмдаги музлаткич қурилмоқда. Келгусида тармоқни кенгайтириб, етиштирилаётган маҳсулотни шу ернинг ўзида қайта ишлаш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз

Эълон

«Пахта нефть базаси» МЧЖ (инд. 111610, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ) тасарруфидаги куйидаги объектларни оммавий савдоларда сотиш учун қайта баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади:

- 1) "Профилакторий" – Тошкент вилояти, Янгийул тумани, А. Ортиқов номи ҚФЙ, "Дўстлик" массиви. Баланс қиймати – 12 562 321 670, 05 сўм;
- 2) "2,3 Га. ер майдониға эга бўлган балиқчилик ҳўжалиғи" – Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Т. Охунова массиви. Баланс қиймати – 138 275 681, 16 сўм;
- 3) "Дам олиш маскани" – Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент ҚФЙ. Баланс қиймати – 204 156 753, 36 сўм;
- 4) "6,09 Га. ер майдониға эга бўлган боғдорчилик ҳўжалиғи" – Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Т. Эрназаров массиви. Баланс қиймати – 539 888 294, 66 сўм.

Мурожаат учун телефонлар:
(0371) 202-30-40, (0598) 127-20-01.
Электрон манзил: Pahtaneftbaza@uamail.uz

ЁҒОЧГА БИТИЛГАН ТҮЙҒУЛАР



Ўзбекистон Бадий академиясининг Камолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида ёғоч-ўймакорлик усталари Сирождиддин ва Камолитдин Раҳматиллаевларнинг "Нақшлар сўзлаганда..." номли кўргазмаси ташкил қилинди. Унда 30 дан ортқ паргори техникаларида ишланган ўйма сўри, айвон, панжаралар, устунлар, сандиқлар, саккиз қиррали стол, стуллар, лавҳлар, лаганлар, гулдонлар каби ёғоч-ўймакорлиги буюмлари намойиш этиляпти.

Кўргазма

Сирождиддин Раҳматиллаев 1953 йили Зангиота туманида туғилган. Республика Расомлик билим юртида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини "Уста" бирлашмасида ёғоч-

ўймакорлик йўналишида бошлаган. Тошкент ўймакорлик мактабини изчил давом эттириб, соҳа ривожига қатор янгилар киритган. Ўйнаб иншоотларга ўймакорлик айвонлари ва ўйма эшик-

лар тайёрлаб, уларни шарқона миллий услубда безатишга муносиб ҳисса қўшган. Қатор халқаро кўргазмалар иштирокчиси. Ўзбекистон халқ устаси. 2018 йилда Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди.

Устанинг фарзанди Камолитдин ёғоч ўймакорлигининг барча сир-асрорларини ўрганиш, ёшларга ўргатиш билан бирга қатор халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



Катта дозадаги D витамини ва унинг ошқозон ости беши ҳужайраларидаги фаолияти самарадорлигини кучайтирувчи моддадан фойдаланиб, иккинчи турдаги диабетни бартараф этиш мумкинлиги ўз исботини топди.

Диабетта даво дармондори

Тадқиқотларимиз D витамини ва унинг молекулаларига реакция қилувчи ҳужайра рецепторлари ҳам яллиғланиш, ҳам ошқозон ости беши бета-ҳужайралари омон қолиши билан боғлиқлигини кўрсатди, — дейди америкалик олим Рональд Эванс.

Иккинчи турдаги диабет ривожланишининг асосий сабабларидан бири — ошқозон ости белининг ёғга тўйиб қолиши ва яллиғланишининг

ривожланиши, бу эса инсулин ишлаб чиқарувчи бета-ҳужайралар фаолиятини ўзгартиради ҳамда уларнинг камроқ гормон ишлаб чиқаришига сабаб бўлади.

Эванснинг таъкидлашича, бундай кашфиётлар унинг жамоасини D витамини каби яллиғланишни бартараф этувчи моддалар ошқозон ости белининг айнан шу қисми яшовчанлигига таъсир кўрсатиши ҳақида ўйлашга мажбур қилди.

Nike гаройиб кроссовка чиқаради

Спорт кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Nike компанияси пойабзалнинг ичига ёки тагига ўрнатиш учун конвейерни ихтиро қилди.

Бу кашфиёт сабаб инсон кроссовкани мустақил кийишга ҳолат қолмади, балки пойабзалнинг ўзи инсон оёғига қийилади.

Икки йил илгари мазкур компания "Келажакка қайтиш" фильмидагидек, боғичлари ўзи бойланадиган спорт ботинкаларини ишлаб чиққан эди. Энди эса Nike бундан-да илгарилар, нафақат кроссовкалар боғичларини, балки уларнинг қийилишини ҳам автоматлаштирмоқда.

Компания муҳандислари пойабзал ичига ёки тагига моторли конвейер лентала-

рини жойлашни таклиф қилишди. Инсон оёғининг олд томонини кроссовка ичига киргизиши билан улардаги сенсорлар бундан аниқлаб, конвейердаги моторни ишга туширади. У эса оёқни эҳтиёткорлик билан ботинка ичига тортиб жойлаштирилади.

Пойабзал таглигидаги мотор қайта зарядланувчи аккумулятордан тўйинади. Энергия манбаи инсон ҳаракати натижасида энергия ишлаб чиқарувчи генератор билан тўлдирилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Мавҳумлик ёмон нарсас. Айниқса, унингда ўғрилиқ юз берса, бу ҳақда ҳамма далиллар мавжуд бўлса-ю, жараён чўзилса. Алалхусус, қуйидаги мақолада худди ана шу ажаб-товур ҳолатнинг шарҳи қаламга олинади...

2017 йилнинг 27 апрели. Ангрен шаҳридаги Геологлар кўргони, Увайсий номидаги кўча, 3-уй. Сахармардон.

Хонадон аҳли яқинда содир бўлган мусибат — яқин бир инсонларнинг бевақт вафотидан мутаассир бўлиб, азадорлик тўнини кийган палла. Бу ёқда бошқа бир хонадон соҳиблари — Икромжон ва Ҳуснибод Абдуқамомовлар маърақада жигарларининг ёнида туриш учун ўз уйларида саҳармардонда аза очилган хонадонга чиқиб кетадилар.

Табиийки, улар ҳадемай уйларида катта ўғрилиқ юз беришини, бисотларида авайлаб сақлаётган меросни ўлариб кетиш режаси тузилаётганини пайкамайдилар.

Шундай қилиб, С. исми ёшгина йигит (таассуфки, хонадон эгасининг ўли билан тенгдош, ошна-оғайни) амакиси А. Б. ва яна бир шерик — К. Б. билан маслаҳатлашади. Шундоқ-шундоқ, буларнинг ҳозир эс-хуши бошқа жойда, ўғрилиққа тушишини аниқ вақти, дегандек гап қилади. Амаки эса жияни бу йўлдан қайтариш ўрнига, ишни қўлга олади. Хуллас, С. шу вақтда мўлжалдаги хонадонда яшовчи ошанасига телефон қилиб, уйда одам бор-йўқлигини гап орасида сўраб туради. Вақт топиб, бир баҳона билан уйда келиб-кетди ҳам. Сўнгра, жуда қисқа муддатда ўғрилиқ содир бўлади.

...Шу куни эрталаб 05:30 да хонадон катталари уйдан чиқиб кетади. Соат 07:00 да

фарзандлар ҳам ўқишга жўнайди. Бу вақтда улар жиноятчилар томонидан қаттиқ кузатувда эканликлари билмаганлар, албатта. Орадан бир соат ўтгач, қандайдир иш билан уйга келган Элдор (оиланинг ўртанча фарзанди) ўғрилиқ ҳақида билиб, ота-онасига хабар беради. Шу. Бир соатгина эгасиз қолган уй шипшийдим...

Умумий ҳисобда 90 миллион сўмдан зиёдроқ қиймат-

суриштирув жараёни номаълум сабабга кўра, Олмалиққа кўчирилди, сўнгра иш вилоят тергов бошқармасига ўтказилди. Тергов материаллари тахт қилинган, 2018 йилнинг февраль-март ойида жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судида ишни қўриб чиқиш жараёни бошланди. Бу вақтда жиноят содир этилганига салкам бир йил бўлган эди...

Айни шу пайтдан бошлаб, ИИБ ходимларининг хатти-

салар, "Вой мени қўрқитди булар, аслида камина нақ фаришта", қабилидаги гап-сўзлар...

Шу ўринда озроқ китоб ораб, ҳуқуқий манзарага назар ташлаймиз. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28-моддаси 4-қисмида "Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади", деб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 30-моддаси 1-қисмида эса

ўтирган вақтимизда ундан маҳаллада бўйлар борми, деб сўрадим. Уша ерда Б.нинг жияни С. ҳам бор эди. У илгари ИИБда ишлаган кишининг уйда сейф туришини, сейф ичида жуда кўп миқдорда пул ва тилла тақинчоқлар борлигини айтиди, шундан кейин мен унга уйни кўрсат, бори кўрай, дедим, у менга уйни кўрсатди. 2017 йил 27 апрель куни хонадон эгалари уйда бўлмаслигини, уй схема-

хид иш юритувга ажратиб қўзғатиш ва иш юритувга олиш ҳақидаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми б, в, г бандлари билан С. га бўлган жиноят иши алоҳида иш юритувга ажратилиб, шомашоварликка йўл қўйилган. Тушунгандирсиз — судья ишни қўшимча процесуал ҳаракатлар ўтказиш учун ИИБга юбормоқда. Судья ҳақиқат учунларини кўрапти,

юмлар қайтарилган бўлса, хўш, қанча қўлай! Тошкент вилояти ИИБ терговчиси математикани "нокаут"га урапти, айни вақтда 81 миллион сўм миқдорда зарар қоплатиш кераклигини хомчўт қилади.

Учинчидан, бу жараён қачондир тугайдими-йўқми, деган ўй жабрланувчиларни қийнабди турибди. Бир йилдан бери терговма-тергов, судма-суд югуришлар, ҳақлигини, бошқача айтганда, унингда ўғрилиқ содир бўлганини қайта ва қайта исботлашга уришлар умрга, асабга заволку?

Мазкур мавзу ҳақида мақола ёзишга киришганимизга ҳам, мана, 3 ой тўлаяпти. Бироқ, жараён қачон тугашини кута-кута сабр қосамиз тўлиб кетди. Шу ўринда, бир қизиқ ва ўйга чорловчи факт.

Иккинчи жаҳон урушини биласиз. Ушанда Гитлер ва унинг иттифоқчилари, аёнлари қанчалаб жиноятлари содир этган. Уруш тугагач, 1945 йилнинг 20 ноябрида, эрталаб соат 10:00 да жиноятчилар устидан машҳур Нюрнберг процесси бошланади. Жараён 1946 йилнинг 1 октябрида якунланади. Яъни, инсоният тарихидаги энг муҳим жиноятга ҳуқуқий баҳо бериш, томонларни эшитиш, музокара ўтказиш, жазо тайинлаш учун бир йил вақт кетди. Афсуски, бугун, Ўзбекистонимизда, шундоқ кўз ўнгимизда содир бўлган оддий ўғрилиқ ўзининг аниқ бир ҳуқуқий ечим ва баҳосига, барча керакли далилларига эга бўлса-да, негадир тўла фош қилинмай келинапти.

Сиз нима деб ўйлайсиз — ким шуни хошлапти?

Баҳод ҚОБУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

ЧИРЧИҚНИНГ ЧЕМПИОН ҚИЗЛАРИ



Волейбол бўйича хотин-қизлар ўртасида XXV Ўзбекистон чемпионати Чирчиқнинг "СКИФ" жамоаси галабаси билан якунланди.

Бу йилги мавсумда Тошкент, Андижон, Жиззах, Хоразм, Самарқанд вилоятла-

ри ва Қорақалпоғистон Республикасидан жами олти жамоа мамлакат чемпионлиги учун кураш олиб борди. Мусобақа тўрт босқичда ташкил этил-

ди. Кескин ва мurosасиз ўтган беллашувларда энг кўп — 58 очко жамғариб, барча рақибларини ортда қолдирган чирчиқлик волейболчи қизлар мусобақа голиби бўлди.

ШАМОЛЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРИБ...

Фарғонада велоспортнинг шоссэ тури бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида вилоятимиз вакиллари ҳам юқори натижаларни қайд этди.

Осиё чемпионати совриндори Данил Евдокимов юртимиздаги энг тезкор пойгачилардан эканини яна бир қарра исботлади. Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ўқувчиси чемпионат доирасида 20 километрга ўтказилган пойгада маррага биринчи келди. Данил мураккаб синов — 101 километрга ўтказилган мусобақада ҳам барча рақибларини ортда қолдирди.

Чирчиқ олимпия захира-



лари коллежининг яна бир ўқувчиси — Маргарита Мисюрина олтин медаль жамғаришда Данил Евдокимовдан ҳам ўзиб кетди. Истеъдодли велоспортчимиз қизлар ўртасида 20, 15 ва 13 километр масофага ўтказил-

ган баҳсларда жами учта олтин медални қўлга киритди.

Мусобақа якунига кўра, голиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз муҳбиримиз

АНГРЕНДА «ГОЛЛИВУДЧА ЎҒРИЛИК»

22 та узук, 4 та зирак, 8 та занжир, 2 та кулон — ҳаммаси тилладан.

Камига кумуш медаль...

даги тилла тақинчоқлар, пул ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кулчари томонидан берилган медаль "туя" қилиб кетишган.

Демак, ўғрилиқ маълум бўлди. ИИБга мурожаат қилинди. Айбдорлар қисқа вақтда топилди. Аммо... Футболда машҳур "биртепар" ўйини бор. Мазкур ҳолатда ҳам жарбланувчилар ана шундай вазиятга тушиб қолишди.

Дастлабки тергов Ангрен шаҳар ИИБ томонидан олиб борилди. Унга кўра, С.нинг айбдорлиги, жиноят ишининг илҳомчиси, модератори экани очик-ойдин қўрилиб турарди. Бу ҳақда жиноятчиларнинг воқеа содир бўлган кундаги телефон мулоқотларининг статистикаси, дастлабки кўрсатмалари, иқдор хатлари мавжуд. Бироқ, ҳибсга олиш тарзидидаги эҳтиёт чораси уни четлаб ўтиб, нариги икки кишига қўйилди.

Воқеалар занжири шундай, Ангренда бошланган тергов-

ҳаракатларидан шубҳаланган жарбланувчиларнинг мурожаати асосида журналист воқеалар ривожини кузата бошлади. Ажаб, суд мажлиси бошланганда маълум бўлдики, тергов жараёнида мазкур жиноят ишининг шартли равишда модератори, деб айтилса бўладиган иштирокчиси — С. га доир қисми, ишдан ажратиб олинган, қайта терговга юборилган. Зўриқ? Бу оламдаги барча гувоҳ ва далиллар ишда асосий роль ўйнаган каскилигини исботлаб турсаю, терговчи бу йигитчани қўқисдан ҳимоя қилишга чоғланса...

Криминал тарихидан маълумки, бир иш бўйича кўпчилик айбаниб, панжара ортига кетиши аниқ бўлиб қолган вақтда, жиноятчилар "мардлик" қилиб, шерикларидан бирини четга сурмоқчи, терговчи чалғитмоқчи бўладилар. Бизнингча, мазкур ишда ҳам воқеа ана шундоқ тус ола бошлайди. Орада терговчи чалғитувчи турли ўйинлар, пўпи-

"Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчи-ни жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар", деб қайд этилган.

Мазкур ишда ҳам бугун панжара ортида ўтирган икки киши ўзининг дастлабки қўрсатмаларида С.нинг ўғрилиқка алоқадорлиги ҳақида мўл-қўл гаплар айтишган. Ҳозир ҳам ишга яхшилаб разм солинса, бир қарашдаёқ гап нимада экани аён бўлади. Бироқ, бундай текшириш тергов ҳаракатлари давомида терговчи томонидан умуман олиб борилмаган ва қонун олдида жавобгар бўлиши логик бўлган бир жиноятчининг айби тасдиқланишига терговчи томонидан совуққонлик билан қаралган.

Хўш, фактлар нима дейди? Сўроқ баённомасидан кўчирма: "...2017 йил апрель ойининг охирида Б.нинг уйига бориб, у билан бирга

сини, сейф жойлашган хонани тушунтириб берди..." (Бугун панжара ортида ўтирган айланувчининг қўрсатмасидан).

Албатта, ҳозир мавжуд далилларнинг барчасини келтириб ўтиш фикридан йироқмиз. Фақат етарлики, балки ундан ҳам кўп далиллар борлигини айтиб ўтамиз. Энг асосийси, жиноят ишда С. ни гумдондор сифатида бармоқ излари олинган дактокарта ҳам мавжуд.

Жорий йилнинг 30 март куни Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган суд мажлиси дастлабки терговдаги бу ҳолатни ўз ажрими орқали шундай ифода-лайди:

"Жиноят иши ҳужжатлари ва дастлабки ҳамда суд терговда аниқланган ҳолатларга кўра, Б. К., Б. А. ва С.нинг содир этган жиноятлари бири-бирига узвий боғлиқ бўлсада, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб борган терговчи-нинг 2017 йил 8 ноябрдаги жиноят иши бир қисмини ало-



тергов материалларидан қониқмапти.

Хуллас, бу вазиятда орага бир неча саволлар қалқиб чиқаяпти.

Биринчидан, ИИБнинг бир эмас, икки эмас, уч терговчиси (Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари) ва Тошкент вилояти ИИБ тергов бошқармаси терговчилари) нима учун булардан кўз юмган? Сунъий равишда вақтни чўзишдан мақсад-муддао нима?

Иккинчидан, тергов давомида йўқолган буюмлардан учтаси қайтарилди. Уларнинг таннари 5 миллион 250 минг сўм, деб кўрсатилган. Судда эса айни пайтда зарар миқдори 81 миллион сўм, деб кўрсатилган. Жами зарар миқдори 90 миллион 578 минг сўм деб кўрсатилган бўлса, тергов вақтида жарбланувчиларга 5 миллион 250 минг сўмлик бу-

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
14 270 нусхада
чоп этилди

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер маркизида терлиди ва сақланган.

Масъул котиб
Зоҳир ТОПХУҲАЕВ
Назоратчи мусавҳиҳ
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУҲАЕВ